

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11669139>

**Машарипова Гуларам Камиловна**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори  
фалсафа фанлари доктори, Турон Фанлар академияси академиги,

**Рзаева Адила Аваз қизи**

Central Asian University, English language Teaching and Education Management  
(ELTEM) талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришнинг тарихий-фалсафий асоси илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бугунги кунда ахборотлашган жамиятда маданий трансформацион жараёнларни меъёрлаштириш, умуминсоний гоълар орқали қадриятлар мажмуини бойитиш, билим идеаллари ва нормаларига риоя қилишда тарихийлик тамойилига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда билимлар ворисийлигини таъминлаш, янги дунёқарашга эга ёшларни интеллектуал ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий шакллантиришда буюк мутафаккирларнинг маданий алмашинув, маданий хотира шакллари ва механизмларини қўллаш, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётига оид қарашларини ҳозирги давр янгиликлари билан уйғунлаштириш зарур.*

***Калит сўзлар:** маънавий мерос, жаҳон ҳамжамияти, Ренессанс, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари, маданий алмашинув, ёшлар, тарихийлик.*

### АННОТАЦИЯ

*В статье научно обоснованы историко-философские основы построения основ Третьего Возрождения в Новом Узбекистане. Сегодня в информационном обществе важно следовать принципу историчности в стандартизации процессов культурной трансформации, обогащении совокупности ценностей за счет универсальных идей, приверженности идеалам и нормам познания. С этой точки зрения необходимо обеспечить наследование знаний, интеллектуальное развитие молодежи с новым мировоззрением, духовно-нравственное формирование великих мыслителей, использовать формы и механизмы культурного обмена, культурной памяти, а также согласовать взгляды великих мыслителей на развитие*

*естественнонаучной и общественно-философской мысли с новациями современности.*

*Ключевые слова: духовное наследие, мировое сообщество, Возрождение, мыслители Востока и Запада, культурный обмен, молодежь, историчность.*

#### ABSTRACT

*The article scientifically substantiates the historical and philosophical foundations of building the foundations of the Third Renaissance in New Uzbekistan. Today in the information society it is important to follow the principle of historicity in standardizing the processes of cultural transformation, enriching the set of values through universal ideas, adherence to ideals and norms of knowledge. From this point of view, it is necessary to ensure the inheritance of knowledge, the intellectual development of young people with a new worldview, the spiritual and moral formation of great thinkers, to use the forms and mechanisms of cultural exchange, cultural memory, and also to harmonize the views of great thinkers on the development of natural science and social and philosophical thought with the innovations of our time .*

*Keywords: spiritual heritage, world community, Renaissance, thinkers of East and West, cultural exchange, youth, historicity.*

#### КИРИШ.

Дунё илмий-фалсафий мероси тараққиётида комусий алломаларнинг маърифий, фалсафий, табиий-илмий таълимотлари, хусусан, дунёни билиш, табиат, олам ва одам, инсон ижтимоий моҳиятига оид қарашлари доирасида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда [3, 47-б.]. Жумладан, дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирлар илмий меросидаги оламнинг яралиши, яратувчи ва инсон, коинот, табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги таълимотнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш, инсон ва табиат муносабатлари моҳиятини очиқ бериш, табиий-илмий қарашларнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожига ўрнини асослаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда [4,5-б.]. Айниқса, ахборотлашган жамиятда маданий трансформацион жараёнларни меъёрлаштириш, умуминсоний ғоялар орқали кадриятлар мажмуини бойитиш, билим идеаллари ва нормаларига риоя қилишда тарихийлик тамойилига амал қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда билимлар ворисийлигини таъминлаш, янги дунёқарашга эга ёшларни интеллектуал ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий шакллантиришда буюк мутафаккирларнинг маданий алмашинув, маданий хотира шакллари ва механизмларини қўллаш, табиий-илмий ва ижтимоий-

фалсафий тафаккур тараққиётига оид қарашларини ҳозирги давр янгиликлари билан уйғунлаштириш зарурати мавжуд.

Тарихий хотирасиз янги босқич ўртага ташлаётган вазифаларни бажариш мумкин, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Зеро, «Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда арбобларимизнинг жасоратларини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак» [1, 39-б.]. Бу борада Марказий Осиёда етишиб, бир неча асрлардан буён дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлиб келаётган ватандошларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий, Маҳмуд Қошғарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа яна юзлаб аждодларимизнинг билдирган фикр-мулоҳазалари ниҳоятда муҳимдир. Улар яратган тарбия ҳақидаги таълимот ва ғоялар жуда кўп ва хилма хилдир.

**Методлар.** Муаммони тарихийлик, мантиқийлик тамойиллари ҳамда қиёслаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, диалектик ва герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилган ҳолда алломалар меросини ўрганиш оркали ҳал қилиш мумкин.

**Натижалар.** Ўз даврнинг йирик намоёндаларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий - давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиши қонуниятларининг назарий тамойилларини яратганлиги билан машҳурдир. У - «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади» [5, 280-б.]. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳарининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада Абу Наср Форобий - «Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла

озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар» [5, 280-б.], - деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий кадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Форобий қарашларидаги «ҳокими мутлоқ бўлмаслиги», «сайловчилар иродаси», «озодлик» каби фикрлари нафақат шу даврда, балки, бугун кунда ҳам инсоният маданияти ноёб маҳсули ҳисобланган - демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

Абу Наср Форобий ижодини ўз моҳиятига кўра иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Форобий ҳақидаги мусулмон манбалари ва унинг Шарқ мамлакатларидаги мероси; 2) Европа тарихий-фалсафий ёндашувлари.

Абу Наср Форобий ҳақидаги энг қимматли материаллар ўрта аср мусулмон манбаларида – араб, форс ва туркий тилларда ёзилган тарихий асарлар, луғатлар, маълумотномалар ва бошқаларда учрайди. Шу муносабат билан XIII-XIV асрларда Байҳакий [6], ал-Кифтий [7], Ибн Усайба, Ибн Халлиқон [8] муаллифларининг асарлари кенг тарқалган. Бу асарлардаги материаллар Форобий ижодий меросининг кейинги Шарқ ва Европа тадқиқотчилари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Мусулмон муаллифларидан Абдуғаффор Казвинийнинг «Нигористони Гаффорий» (نگارستان غفاري) [9] (XVI аср), Али Акбар Муҳаммад Хусайнийнинг «Зийнат ул-мажолис» (زينة المجالس) [10] (XVI аср), Котиби Чалабийнинг «Кашф аз-зунун» (كشف الظنون) [11] (XVII аср) асарларида Форобий ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бу асарларнинг барчасида Форобий мусулмон Шарқининг энг кўзга кўринган ва энг нуфузли мутафаккири, «иккинчи муаллим» («Муаллими ас-соний») ёки «Шарқ Арастуси», юнон ҳикматининг энг яхши мутахассиси сифатида тавсифланади. Лекин, бу асарларда Абу Наср Форобийнинг илмий мероси тўлиқ ўрганилмаган, қисман ёритилган.

Ғарб олимлари Форобий рисолаларини матншунослик ва замонавий Европа тилларига таржима қилиш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Форобий мероси замонавий Европага кенг таниш бўлди. Европа илм-фанининг энг яхши анъаналари асосида яратилган қатор асарларда Форобий ҳаёти ва ўрта асрлар маданияти ва фалсафаси ривождаги ролини холисона ёритишга интилиш сезилади. У тиббиёт, математика, мусиқа назарияси, социология ва бошқа фанлар ривожига маълум ҳисса қўшган ўрта асрларнинг энг буюк мутафаккири сифатида ўрганилган.

Абу Наср Форобий таълим-тарбия масаласида хусусан ақлий тарбияга, маърифатли бўлишга, ақлни мавжуд билимлар билан бойитиш, тўлдиришга катта эътибор беради. Ҳар қандай тарбияни, хусусан ақлий тарбияни, яъни

билимларни ўрганишни инсон ёшлиқдан бошлашлиги зарурлиги тўғрисидаги фикрни Абу Наср Форобий алоҳида қайд қилади.

Лекин, Абу Наср Форобий «ақлли» бўлишни фақат ақлий тарбия, билимдонлик билангина чегаралаб қўймайди. Абу Наср Форобий талқинида «ақллилик» инсоннинг бутун фаолияти – унинг билими, ахлоқи, одоби, ҳаракатлари, қиладиган ишлари мажмуаси билан ўлчанади, яъни ақллилик барча фазилатларнинг бир бутун, яхлит ҳолда мувофиқлигидир.

Шунингдек, Фаробий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг қуйидаги 6 та хислат ва сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди:

- биринчиси, донишмандлик;

- иккинчиси, аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қуввати ҳофизга эга бўлиш;

- учинчиси, агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

- тўртинчиси, ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

- бешинчиси, аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш - нотикликка эга бўлиши;

- олтинчиси, зарур ҳолларда ҳарбий ишларига моҳирона раҳбарлик қилиши учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангту-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Кўринадикки, фозиллар шахри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. «Доно бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади», - дейди Форобий. Абу Наср Форобий дунёқарашида ижтимоий-сиёсий масалалар, хусусан давлат тузилиши, уни идора этиш, етук жамоага эришиш, бахт-саодатли бўлиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

**Мунозара.** Европа цивилизациясининг ривожланиши натижасида XVIII асрга келиб, инсон тафаккурига бўлган муносабат анча ўзгарди. IX-XII асрларда туғма билимлар жонга тегишли, тафаккур ва жон бир-бирига хизмат

қилиши керак, деб ҳисобланган бўлса, XVIII асрга келиб, рационалистик фалсафий оқимларда туғма билимлар инкор этилди. Жоннинг ўзи ҳам тафаккурнинг хусусияти, деб ҳисоблана бошланди. Жон ва тафаккур ўртасидаги фарқ эътиборга олинмай қўйилди. Шунингдек, илм ва билим жоннинг хотирлаш қобилияти, деган фикрлар рад этилди.

XX асрнинг бошларида ижод қилган француз файласуфи Анри Бергсон ижодида интуицияга катта эътибор берди. Анри Бергсон интеллектни интуиция тўлдириб туриши керак деб ҳисоблаган ва интуитив билимни спонтан образли хотира билан боғлаган [12, 80-б.]. Унинг фикрича, интуиция кўпроқ ички кўриш қобилиятига асосланади ва шу қобилият орқали интеллектнинг чегаралари кенгаяди.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида юнон, ҳинд ва тасаввуф вакиллари билан билим ҳақидаги фикрларида рационаллик билан бир қаторда иррационал дунёқараш мавжуд эканлигини кўрсатиб берган.

Фалсафий луғатда иррационализм атамасига янгича ёндошиб, қуйидагича таъриф берилган: «Иррационализм инсон руҳий фаолиятининг рационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли хилдаги фалсафий тизим ва йўналишларни ўзида бирлаштиради. Масалан, ирода (волюнтаризм), интуиция (интуитивизм), онгсизлик (психоанализ) қабиларни олиш мумкин. Барча динлардаги мистик йўналишлар иррационализм (норационал) табиатига эга: ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда шаклланган динларда йога, Хитойда эса Дзен буддизмдир» [13, 174-б.]. Бундан билиш мумкинки, иррационализм таълимоти ҳаётдаги ҳар қандай қарашларни четлаб ўтиб, у инсон интеллектининг иродасига бўйсунмайдиган яширин имкониятларга эгаллигини кўриш мумкин.

Буюк мутафаккир Беруний ҳамда кўпгина суфий мутафаккирлар қалб ва ақл муносабатига турлича ёндашган. Бундай ёндашувлар XX асрларга келиб, Фридрих Ницше ва Анри Бергсон ижодига ҳам хос бўлган.

Ибн Сино Шарқ олимларидан биринчи бўлиб тарбия усуллари ҳақидаги қарашларини тартибли тарзда баён этган. Масалан, олим «Тадбир ул-Мансул» (تدبير المنصور) рисоласида тарбияга бағишланган махсус боб мавжуд. «Ал-қонун» китобида тўртта боб боланинг саломатлиги ва жисмоний тарбияси масалаларига бағишланган. «Китоб аш-Шифо» (كتاب الشفا) асарида болалар тарбияси методларига бағишланган бўлим мавжуд. Ушбу асарларда Ибн Сино таълим-тарбия борасидаги қарашларини юритишда масалага энг аввало табиб сифатида ёндошади. У тарбия фарзанднинг мурғаклигидан бошланиши кераклигини алоҳида уқтиради. Олим тарбиянинг бошланиши фарзандга

чиройли исм қўйиш, унга яхши энага ва тарбиячи топиш деб ҳисоблайди [14, 76-б.].

Олим «Ал-Қонун» (القانون فى الطب)да ёзишча, тарбиячи ўз фаолиятини боланинг феълени яхшилашдан бошлаши керак. Бунинг учун иложи борича бола атроф-муҳитда ўзи истаган, севган нарсалари бўлишини таъминлаш, у ёқтирмайдиган нарсаларни иложи борича унинг кўзидан йироқлаштиришга ҳаракат қилиниши керак. Бундан икки томонлама фойда кўрилади. Аввало, жуда эрта ёшдан оқ боланинг руҳонияти фақат яхши нарсаларни ҳис этишга, қатъий ва ўзгармас феъл-атвор эгаси бўлиб шаклланишига ва иккинчидан, меҳр-оқибат шароитида ривожланиши унинг саломатлиги ва жисмоний ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади [15, 97-б.]. Олимнинг фикрича, боланинг хатти-ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш ва унга яхши одатларни сингдириб бориш керак. Бола мурғаклигидан бошлаб чиройли хулқ-атвор эгаси қилиб тарбияланиши лозим.

Абу Али ибн Сино ахлоқий маданият, хусусан табиб ахлоқи тўғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлайди ва ахлоқий иллатларни, ёмонликни кескин қоралайди. У табибларнинг кундалик амалий ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилик, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор берган [16, 60-б.]. Абу Али ибн Сино ҳаётда ҳам, асарларида ҳам инсонларни ҳар бир масалага илмий, ақлий, ахлоқий ёндошишга, ростгўй, виждонли бўлишга, хуллас, инсонийликнинг энг муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштиришга чақиради. Аллома ҳар бир фарзанд тарбиясида хунарга, шунингдек, фан асослари ва санъатга ўргатилиши керак, деб ҳисоблайди. Бунинг учун болани ўз вақтида саводхонлик, хунармандчилик ва санъат асослари билан таништириш керак. Олти ёшдан бошлаб болани аста-секин ўқитиш мумкин. Лекин, ўқитиш жуда қизиқарли, болани чарчатмайдиган даражада ташкил қилиниши керак.

Абу Али ибн Сино таъкидлаб айтганларидек, «Мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири - тозалик, иккинчиси - парҳез, учинчиси - бадан тарбиядир. Ва қолган иккиси - мижоз билан кайфиятдир. Доимо покиза, озода бўлишлик, кўринган нарсани, яъни овқатни келса-келмаса еявермаслик, апил-тапил овқатланмаслик, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмаслик, мижозни унутмаслик ва ниҳоят, кайфиятни яхши тутишга ҳаракат қилиш - мана шу айтганларимга амал қилинса, касалланиш у ёқда турсин, бевақт ўлим ҳам орқага чекинади» [17, 11-б.].

Мамалакатимиздаги туб янгиликлари энг аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни

сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш учун муносиб турмуш тарзи яратишдан бошлангани сир эмас. Шунинг назарда тутиб Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев «Сихат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз» [2, 210-б.] – деган эдилар.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири аҳоли саломатлигини ва шунга муносиб турмуш тарзин вужудга келтиришдан иборатдир. Албатта, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг турли босқичларида соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар ҳамisha ҳам турли объектив ва субъектив омиллар натижасида мавжуд бўлган муаммоларни кутилган даражада ижобий ҳал қила олмаган. Чунки жамиятнинг тарихий ривожланиши даврий равишда «Машҳур юнон табиби Гиппократнинг «Табобат илми барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир» деган фикрига ҳар доим ҳам мос келмаган. Жамиятлар ривожланиш тарихида содир бўлиб турган жиддий иқтисодий ва маънавий инқирозлар тўлақонли соғлом турмуш тарзи вужудга келишига замин ярата олмаган.

Яқин яқингача соғлом ва узок умр кўриш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Аммо уни реал воқеликка айлантириш ўта қийин ва мураккаб масаладир. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай жамиятнинг олдида турган асосий вазифа инсониятнинг анашу орзусини руёбга чиқаришдан, яъни кишилар соғлиги ва узок умр кўришлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

### **ХУЛОСА.**

Янги Ўзбекистонда алломалар меросини ўрганиш, гўзаллик ва ахлоқий камолотга интилиш инсонга хос хусусиятлар, илм эгаллаш, давлат бошқаруви, жамиятни янгиланиши, фуқаролик жамиятида маҳалла, оила ва таълимнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бошқа фазилатларни мутафаккирлар мероси орқали ёшларга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Фаробий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг хислатлари, маънавий баркамол ва комил инсонга хос хусусиятлар, Абу Али ибн Сино қарашларида, инсон табиати туғилишдан бошлаб ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмаслиги, кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар билан дунёга келмаслиги, уларнинг табиатига маълум миқдорда жамоанинг ҳам таъсири борлиги таъкидланган. Биз учун алломанинг ёш авлод таълим-тарбиясига оид қарашлари, инсоннинг шахс сифатида камол топишида илм-маърифатнинг, одоб-ахлоқнинг ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари аҳамиятга сазовордир. Абу Райҳон Беруний фалсафий қарашлари илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.



Ахлоқий равнақ инсонга хосдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат билан ёлғон ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини ҳам билиб олади. Илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги инсонни донишманд ва олижаноб шахсга айлантиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):**

1. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018, 3-том. – Б. 39.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: O‘zbekiston, 2022, 210-б.
3. Шарқ олимлари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизациядаги ўрни ва аҳамияти. - Халқаро конференция материаллари. - Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 47 б.
4. Машарипова Г.К. Хоразм Маъмун Академияси алломалари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросининг ижтимоий тафаккур тараққиётига таъсири. Монография. – Тошкент, Navro‘z нашриёти, 2019. - 364 б.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент, Янги аср авлоди, 2016, 280-б.
6. Абдул Хасан Байхаки. Татиммон суванул хикма (XIII в.), рукопись ИВ АН УзССР, инв. № 1448.
7. Ал-Кифти. История мудрецов. - Каир, 1126/1908.
8. Ибн Усаиба. Уюн ал Анбо. - Каир, 1300/1882.
9. Казвини. Нигористон и Гаффари, Бомбей, 1858, стр. 90-92.
10. Али Акбар Хусайни. Мажмуа ал-авлиё, рукопись ИВ АН УзССР, инв.№ 1333, л. 230.
11. Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-ханафий аш-шахир би-Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун ан асмо ал-кутуб ва- л-фунун. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1992. Ж. 1.
12. Бергсон А. Материя и память. – Москва, 1998. –С. 80
13. Фалсафа: қомусий луғат. –Тошкент:Шарқ, 2004. – Б.174
14. Машарипова Г.К. Абу Али ибн Сино илмий-фалсафий ва маънавий меросининг жамият ҳаётидаги ўрни. Монография. – Тошкент, Navro‘z нашриёти, 2020. – 144 б.
15. Машарипова Г.К. Ўрта асрнинг буюк кашфиётлари - хоразмлик математикларининг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссалари. Монография. - Тошкент: Navro‘z нашриёти, 2021. – 210 б.

16. Ўзбек совет энциклопедияси. 1-том, 60-бет
17. Аждодлар ўгити. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 11.
18. Saifnazarov, I. S. (2023). Yassaviy merosi turkiy xalqlar maʼnaviy hamjihatligini taʼminlovchi omil sifatida. Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar, 3(71), 5-11.
19. Умаржонов, С. (2023). Ibn Sinoning “Ishoralar va tanbehlar” asari va Postklassik islom falsafasining boshlanishi. Scienceproblems. uz, 3(1), 37-50.
20. Umarjonov, S. (2022). Imom Fahriddin Roziyning ibratli hayot yoʻli va ilmiy faoliyati. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 717-722.